



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

9 (71) 2024

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

9 (71)

2024

сентябрь

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 616-006.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ АХОЛИСИ ОРАСИДА ХОДЖКИН ЛИМФОМАЛАРИНИНГ УЧРАШ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

М.А.Қадамова Email: QadamovaM@mail.ru

У.А.Рузметов Email: RuzmetovaU@mail.ru

Б.С. Юлдашев Email: YuldashevB@mail.ru

Тошкенттиббӣёт академияси Урганч филиали Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ Резюме

Ўзбекистон республикаси онкология илмий - амалий маркази Хоразм филиалида Ходжкин лимфомаси диагнози билан даволанган 80 нафар беморнинг касаллигига оид материаллар жинс, ёш ва ҳудудлар бўйича таҳлил қилинди. Олинган натижалар шунни кўрсатдики беморларнинг кўпчилик қисмини Урганч шаҳри 21,25%, Хазорасп тумани 13,75%, Хива туманлари 11,25 % аҳолиси ташкил қилган, жинс бўйича эркаклар устунлик қилган бўлса 60%, ёш гуруҳлари бўйича устунлик 18-44 ёшлар орасида 47,5% кузатилди. Бу туманлар катта-кичиклиги, аҳоли сонига боғлиқ бўлмаган.

Калит сўзлар: Ходжкин лимфомаси, жинс, ҳудудлар, аҳоли, ёш.

ХАРАКТЕРИСТИКА ЛИМФОМ ХОДЖКИНА СРЕДИ НАСЕЛЕНИЯ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

М.А.Қадамова, У.А.Рузметов, Б.С. Юлдашев.

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии Узбекистан, Хорезмская область, город Ургенч, улица Ал-Хорезми №28 Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ Резюме

Проанализированы материалы 80 больных по полу, возрасту и регионам проживания, находившихся на лечении с диагнозом «Лимфома Ходжкина» в Хорезмском филиале научно-практического центра онкологии Республики Узбекистан. Полученные результаты показали, что большинство больных составили жители города Ургенч 21,25%, Хазораспского 13,75%, Хивинского 11,25%, Ханкинского 11,25% районов, по полу преобладали мужчины 60%, в возрастных группах преобладали 18-44 лет (47,5%). Распространённость заболевания не зависят от численности населения регионов

Ключевые слова: лимфома Ходжкина, пол, регионы, популяция, возраст.

CHARACTERISTICS OF HODGKIN'S LYMPHOMAS BETWEEN THE POPULATION OF KHOREZM REGION

M.A. Kadamova, U.A. Ruzmetov, B.S.Yuldashev.

Urgench branch of the Tashkent Medical Academy Uzbekistan, Khorezm region, Urgench city, Al-Khorezmi street No. 28 Tel: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ Resume

The materials of 80 patients, categorized by gender, age, and region of residence, who were undergoing treatment with the diagnosis of Hodgkin's lymphoma at the Khorezm branch of the Oncology Scientific and Practical Center of the Republic of Uzbekistan, were analyzed. The obtained results showed that the majority of patients were residents of the city of Urgench (21.25%), Khazorasp district (13.75%), Khiva district (11.25%), Khanka district (11.25). In terms of gender, men predominated (60%), and among the age groups were dominated by 18-44-year-olds (47.5%) was observed. The prevalence of the disease does not appear to depend on the population size of the regions.

Key words: Hodgkin's lymphoma, gender, regions, population, age.

Долзарблиги

Ходжкин лимфомаси ўсма хужайралари орасида улкан кўп ядроли хужайралар (Рид-Березовский-Штеренберг) ва уларнинг моноклеар аналоги (Ходжкиннинг) борлиги билан характерланади. Илгари, замонавий ғояларга кўра, ушбу патологиянинг моҳиятига мос келмайдиган ва фақат тарихий аҳамиятга эга бўлган “Ходжкин касаллиги” ва “лимфогрануламатоз” атамалари ишлатилган. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) таснифида (Жаффе Е. С. бошқ., 2001) бу касалликни таърифлаш учун “Ходжкин лимфомаси” атамаси киритилган.

Ходжкин лимфомаси барча лимфомаларнинг 30% ни ташкил қилади (Стеин Х. ва бошқ., 2001). Касаллик барча ёш гуруҳларида қайд этилган. АҚШда, Ходжкин лимфомаси билан касалланиш 100 минг аҳолига 2.8 ни (Рисс Л. А. Г. ва бошқ., 1994), Фарбий ва Шарқий Европа мамлакатларида 3 дан 6 гача бўлган кўрсаткичларни ташкил қилади (Новик А. А., 2000). Россияда 1998-2003 йилларда 100 минг кишига 2,06 дан 2,29 эди ва шу даврда болаларда - 0,69 кишига тенг бўлган (В. И. Чиссов ва бошқ., 2003).

Ходжкин лимфомалари соғлиқни сақлашнинг жиддий муаммоси бўлиб қолмоқда ва уларнинг маълум бир минтақада, масалан, Хоразм вилоятида патологик хусусиятларини ўрганиш янада самарали назорат ва даволаш зарурати туфайли долзарбдир.

Ходжкин лимфомаларининг намоён бўлишига Хоразм вилоятининг ўзига хос иқлимий, географик ва экологик шароитлари таъсир қилиши мумкин. Ушбу хусусиятларни ўрганиш касалликнинг эпидемиологиясини тушуниш учун муҳим ҳисобланади. Минтақада Ходжкин лимфомалари ҳақида маълумотларнинг етишмаслиги, Хоразм вилоятида бундай тадқиқот зарурлигини таъкидлайди.

Илмий ишнинг мақсади: Хоразм вилояти аҳолиси ўртасида Ходжкин лимфомаларини кенг қамровли патологоанатомик таҳлил қилиш, ташхислашни яхшилаш, касалликнинг ушбу минтақадаги хусусиятларини тушуниш ва даволаш усуллари оптималлаштиришга қаратилган.

Материал ва усуллар

Материал бўлиб Республика онкология илмий - амалий маркази Хоразм филиалида 2019-2023 -йилларда диспансер ҳисобида турган ва даволанишда бўлган беморларнинг амбулатор карталари, касаллик тарихлари, беморларни клиник текширувлардан ўтказиш натижалари, шунингдек операциялар вақтида олинган макропрепаратларни ва улардан тайёрланган микропрепаратларни текшириш натижалари олинди.

Натижа ва таҳлиллар


Хоразм вилоятида 2019-2023 йиллар давомида 80 нафар бемор Ходжкин лимфомаси касаллиги бўйича диспансер ҳисобида туриб даволанган. Уларнинг 48 нафарини эркаклар (60%) 32 нафарини аёллар (40%) ташкил қилади. Буларни ёшлар гуруҳларига тақсимланганда 4-17 ёш гуруҳида жами 20 нафар бемор кузатилиб (25%) ни ташкил қилган ва улардан 4 нафари аёллар (5%), 16 нафари эркаклар (20%) орасида кузатилган. 18-34 ёш гуруҳида 11 нафар ҳолатда эркаклар орасида касаллик кузатилган (13,75%), 35-49 ёш гуруҳида жами 17 нафар бемор кузатилиб (21,25%) ни ташкил қилган ва улардан 5 нафари аёллар (6,25%), 12 нафари эркаклар (15%) орасида кузатилган, 50-64 ёшдаги гуруҳда эса беморлар сони 13 нафарни (16,25%) ташкил қилган, бу гуруҳда касалланиш эркаклар орасида 8 нафарни (10%) ташкил қилган бўлса аёллар орасида 5 нафарни ташкил қилган (6,25 %). Қарилик ёшидаги 65-74 ёш гуруҳида касалланиш бироз камайган (6 та ҳолат 7,5 %) ва учраш жиҳатидан кўпроқ аёллар орасида кузатилган 5 (6,25 %), эркакларда нисбатан кам учраб, 1 нафар беморда кузатилган (1,25 %). 75 ва ундан юқори ёшдагилар орасида касаллик учрамаган. Жадвал 1.

Жадвал 1.

Ёш гуруҳи бўйича учраш миқдори

Жинси	4-17 ёш		18-34 ёш		35-49 ёш		50-64 ёш		65-74 ёш	
Эркаклар	16	20%	11	13,75%	12	15%	8	10%	1	1,25%
Аёллар	4	5%	13	16,25%	5	6,25%	5	6,25%	5	6,25%
жами	20	25%	24	30%	17	21,25%	13	16,25%	6	7,5%






Ходжкин лимфомасининг Хоразм вилояти ҳудудлари бўйича учраши таҳлили шуни кўрсатдики касалликнинг юзага келиш ҳолатлари аҳоли сонига боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келган, масалан аҳоли сони жиҳатидан кам бўлган Боғот туманида 5 та ҳолат (6,25 %), Шовот туманида 7 та ҳолат (8,75%). Касалликнинг энг кўп учраш миқдори Хазорасп тумани аҳолисида 11 та ҳолат -13,75%, эркаклар -7 та ҳолат, аёллар -4 та ҳолат ва Хива туман аҳолисида 9 та ҳолат – 11,25%, фарқли ўлароқ аёлларда кўпроқ кузатилган 5 та ҳолат, эркакларда 4 та ҳолат, Урганч туманида 9 та ҳолат (11,25%), Урганч шаҳрида 8 та ҳолат (10%), Гурлан ва Хонка туманларида 8 та ҳолатдан (10%+10%). Янгиариқ ва Янгибозор туманларида 3 тадан ҳолатда (3,75%+3,75%), Қўшқўпир туманида 5 ҳолат (6,25%), Беруний ва Элликқала туманларида 1 та ҳолатдан (1,25%+1,25%), Питнак шаҳарчасида 2 та ҳолат (2,5%). Жадвал 2.

Жадвал 2.
Ходжкин лимфомасини ҳудудларда учраш миқдори

Ҳудудлар	Абсолют сонда	Ҳисса
Урганч шаҳар	8	10%
Урганч тумани	9	11,25%
Беруний тумани	1	1,25%
Хазорасп тумани	11	13,75%
Боғот тумани	5	6,25%
Хонка тумани	8	10%
Янгиариқ тумани	3	3,75%
Хива тумани	9	11,25%
Қўшқўпир тумани	5	6,25%
Питнак шаҳарчасида	2	2,5%
Элликқала туманида	1	1,25%
Шовот тумани	7	8,75%
Гурлан тумани	8	10%
Янгибозор тумани	3	3,75%
Жами	80	100%




Касалликнинг туманлардаги учрашини ёшлар кесимида таҳлил қилганимизда 4-17 ёш гуруҳидаги беморлар Урганч шаҳрида (3 та ҳолат) Урганч туман (2 та ҳолат), 18-34 ёш гуруҳидаги беморлар кўпроқ Хива ва Хонқа туманларида 4 ва 5 тадан ҳолат, 35-49 ёш гуруҳидаги беморлар Хазорасп туманида (3 та ҳолатда), Шовот, Хива, Хонқа туманларида (2 тадан ҳолат), учрагани қайд қилинган бўлса, 50-74 ёш оралиғидаги беморлар кўпроқ Хазорасп тумани (4 та ҳолат), Урганч шаҳар (4 та ҳолат), Урганч туманида (3 та ҳолат) қайд қилинди. Жадвал 3.

Жадвал.3

Худудларда жинслар бўйича учраш миқдори

Худудлар	Эркаклар		Аёллар	
Урганч шаҳар	5	6,25%	3	3,75%
Урганч тумани	6	7,5%	3	3,75%
Беруний тумани	1	1,25%		
Хазорасп тумани	7	8,75%	4	5%
Боғот тумани	1	1,25%	4	5%
Хонқа тумани	4	5%	4	5%
Янгиариқ тумани	2	2,5%	1	1,25%
Хива тумани	4	5%	5	6,25%
Кўшкўпир тумани	3	3,75%	2	2,5%
Питнак шаҳарчасида	2	2,5%		
Элликқала туманида	1	1,25%		
Шовот тумани	6	7,5%	1	1,25%
Гурлан тумани	5	6,25%	3	3,75%
Янгибозор тумани	3	3,75%		
Жами	50	62,5%	30	37,5%



Жадвалдан кўриниб турганидек касалланиш ҳолати асосан барча туманларда аёлларга қараганда эркаларда кўпроқ кузатилган.

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ходжкин лимфомалари ҳудуддаги аҳоли сонига боғлиқ бўлмасдан, бошқа турдаги ёмон сифатли ўсмаларга қараганда ёш болалар ва ўсмирлар (4-17 ёш), ҳамда ёшлар гуруҳида (18-34 ёш) бошқа гуруҳларга нисбатан энг кўп миқдорда учраб, 25-30% ҳолатда кузатилган, бу ҳолат бу ёш гуруҳлари орасида онкологик эҳтиёткорликни кучайтириш ва прогностик омилларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Касалликнинг кўп учраш миқдори минтақадаги Хазорасп, Урганч, Хива, Хонқа, Гурлан туманлари ва Урганч шаҳри ҳудудига тўғри келиб умумий касалликлар сонининг 66,25% ни ташкил қилади (53 нафар бемор). Ва (18-34 ёш) гуруҳида балки аҳолининг урф-одатлари, атроф-муҳит ҳолати (канцерогенез таъсири), беморларнинг зарарли одатлари (чекиш) каби омилларга бевосита боғлиқ, шунингдек ҳудудлардаги саноат корхоналарининг атроф-муҳитга чиқараётган зарарли чиқиндилари ҳам муҳим ижтимоий аҳамиятга эгадир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аббасбейли Ф.М. и др. Клинические возможности проточной цитометрии при лимфоме Ходжкина //Онкогематология. 2023;18(3):70-77.
2. Барам Д.В., Криволапов Ю.А. Причины лимфаденопатий у пациентов с вич-инфекцией по результатам биопсий лимфатических узлов //Вестник гематологии. 2022;18(2):38-39.
3. Бақытқызы Д.А. и др. Особенности течения лимфомы Ходжкина у детей разных возрастов //Colloquium-journal. – Голопристанський міськрайонний центр зайнятості, 2020;10(62):87-89.
4. Гильмуллина А.З., Переточкина П.А. Клинико-морфологические и молекулярно-генетические особенности лимфомы Ходжкина в республике Татарстан за период 2018–2021 гг //Вестник медицинского института «Реавиз»: реабилитация, врач и здоровье. – 2023;13(2):108-108.
5. Гильмуллина А.З., Переточкина П.А. Морфология, патология, клинико-лабораторная диагностика //Вестник. 2023; С.107.

Қабул қилинган сана 20.08.2024